O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR DAVLATOBOD TUMAN HOKIMINING

Q A R O R I

Davlatobod t. Islom Karimov ko`chasi

2021 - yil 30 - sentabr 208-6-219-Q/21 Davlatobod tumani hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2022 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14, 43-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом(кейинги ўринларда “Низом” деб аталади)га асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун Давлатобод туманида 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Давлатобод туманидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2022 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Давлатобод тумани ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 473.5 нафарни ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,2 фоиз (153.0 нафар, юқорида кўрсатилган иш

ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 35 та бўлганлиги сабабли, келгусида 118 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 2,7 фоиз (126.5 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,0 фоиз (93 киши);

пенсия ёшидаги шахслар учун 0.9 фоиз (42 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,6 фоиз (30.5 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,4 фоиз (19 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,2 фоиз (9.5 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос

бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар Давлатобод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда Давлатобод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи кунигача Давлатобод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этсин;

ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги Давлатобод

тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Давлатобод тумани ҳокимининг муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Давлатобод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (У.Саттаров) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор “Наманган садоси” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Давлатобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Акбаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Таджимирзаев**

Наманган шахар туман
ҳокимининг
2021 йил 30 сентябрдаги
208-6-219-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси

1.	О.Акбаров	-	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари

2.	У.Саттаров	-	Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари

3.	Г.Джурабаева		Туман ҳокимининг ўринбосари
4.	Т.Мамасодиқов	-	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
5.	И.Кадиров	-	Туман Халқ таълими бўлими мудири
6.	Б.Абдурахманов	-	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби

7.	Х.Собиров	-	Туман бандликка кўмаклашиш марказининг Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Наманган шахар туман ҳокимининг
2021 йил 30 сентябрдаги
208-6-219-Q/21-сон қарорига
2-илова

Тумандагидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати

Р Ў Й Х А Т И

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу жумладан																
				Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун		ЖАМИ СОНДА	ЖАМИ ФОИЗ	
				сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи			
1	NAMANGAN VILOYATI MADANIYAT MARKAZI	40	4,0	1,5	3,8	1,0	2,5	0,5	1,3	0,5	1,3	0,0	0,0	0,5	1,3	0,0	0,0	4,0	10,0	и
2	NAMANGAN VILOYATI BOLALAR VA O'SMIRLAR FUTBOL AKADEMIYASI	70	7,0	2,5	3,6	2,0	2,9	1,5	2,1	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,4	0,0	0,0	7,0	10,0	и
3	"ISTIQBOL ZAMON BOLALARI" nodavlat ta`lim muassasasi	85	8,5	3,0	3,5	2,5	2,9	1,5	1,8	0,5	0,6	0,5	0,6	0,0	0,0	0,5	0,6	8,5	10,0	п
4	57-ko'p ixtisosli davlat maxsus maktabgacha ta'lim muassasasi	80	8,0	2,5	3,1	2,0	2,5	1,5	1,9	1,0	1,3	0,0	0,0	1,0	1,3	0,0	0,0	8,0	10,0	п
5	O'zbekiston avtomotohavaskorlar ko'gilli jamiyati Namangan viloyat kengashi	40	4,0	1,5	3,8	1,0	2,5	0,5	1,3	0,0	0,0	0,5	1,3	0,0	0,0	0,5	1,3	4,0	10,0	п
6	48-umumiy o'rta ta'lim maktabi	130	13,0	4,0	3,1	3,5	2,7	2,5	1,9	1,5	1,2	1,0	0,8	0,0	0,0	0,5	0,4	13,0	10,0	п
7	NAMANGAN SHAHAR DAVLATOBOD TUMAN "YANGI O'ZBEKISTON YOSHLAR ZIYO MASKANI" NOMIDAGI AXBOROT KUTUBXONA MARKAZI	30	3,0	1,0	3,3	0,5	1,7	0,5	1,7	0,5	1,7	0,5	1,7	0,0	0,0	0,0	0,0	3,0	10,0	и
8	55-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	45	4,5	1,5	3,3	1,0	2,2	0,5	1,1	0,5	1,1	0,5	1,1	0,5	1,1	0,0	0,0	4,5	10,0	п
9	42-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	45	4,5	1,5	3,3	1,0	2,2	0,5	1,1	0,5	1,1	0,5	1,1	0,0	0,0	0,5	1,1	4,5	10,0	и
10	1-SONLI BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABI	55	5,5	2,0	3,6	1,5	2,7	1,0	1,8	0,5	0,9	0,5	0,9	0,0	0,0	0,0	0,0	5,5	10,0	и
11	"LYUKS PLYUS SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati	310	31,0	10,0	3,2	8,0	2,6	6,5	2,1	2,5	0,8	3,0	1,0	1,0	0,3	0,0	0,0	31,0	10,0	и
12	8-oila poliklinikasi	190	19,0	6,0	3,2	5,0	2,6	3,5	1,8	2,0	1,1	1,5	0,8	1,0	0,5	0,0	0,0	19,0	10,0	п
13	NAMANGAN VILOYAT SOG'LIQNI SAQLASH BOSHQARMASI MAXSUS ZAXIRA BAZASI	80	8,0	2,5	3,1	2,0	2,5	1,5	1,9	1,0	1,3	0,5	0,6	0,5	0,6	0,0	0,0	8,0	10,0	п
14	"SAMO TEKSTIL SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyat xorijiy korxonasi	230	23,0	7,0	3,0	6,5	2,8	4,5	2,0	2,0	0,9	1,5	0,7	1,0	0,4	0,5	0,2	23,0	10,0	х
15	31-ko'p ixtisosli davlat maxsus maktabgacha ta'lim muassasasi	75	7,5	2,5	3,3	2,0	2,7	1,5	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,5	2,0	0,0	0,0	7,5	10,0	п

16	81-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	50	5,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	5,0	10,0	х
17	72-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	50	5,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	5,0	10,0	д
18	80-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	80	8,0	2,5	3,1	2,0	2,5	1,5	1,9	1,0	1,3	0,5	0,6	0,5	0,6	0,0	0,0	8,0	10,0	п
19	79-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	80	8,0	2,5	3,1	2,0	2,5	1,5	1,9	1,0	1,3	0,5	0,6	0,5	0,6	0,0	0,0	8,0	10,0	х
20	78-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	55	5,5	2,0	3,6	1,5	2,7	1,0	1,8	0,5	0,9	0,5	0,9	0,0	0,0	0,0	0,0	5,5	10,0	п
21	53-umumiy o'rta ta'lim maktabi	90	9,0	3,0	3,3	2,5	2,8	1,5	1,7	0,5	0,6	0,5	0,6	0,5	0,6	0,5	0,6	9,0	10,0	п
22	42-umumiy o'rta ta'lim maktabi	60	6,0	2,0	3,3	1,5	2,5	1,0	1,7	0,5	0,8	0,5	0,8	0,0	0,0	0,5	0,8	6,0	10,0	п
23	54-umumiy o'rta ta'lim maktabi	40	4,0	1,5	3,8	1,0	2,5	0,5	1,3	0,5	1,3	0,5	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	4,0	10,0	х
24	49-Davlat ixtisoslashtirilgan umumiy o'rta ta'lim maktabi	150	15,0	5,0	3,3	4,5	3,0	3,5	2,3	1,5	1,0	0,5	0,3	0,0	0,0	0,0	0,0	15,0	10,0	и
25	56-umumiy o'rta ta'lim maktabi	60	6,0	2,0	3,3	1,5	2,5	1,0	1,7	0,5	0,8	0,5	0,8	0,0	0,0	0,5	0,8	6,0	10,0	х
26	47-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	30	3,0	1,0	3,3	0,5	1,7	0,5	1,7	0,5	1,7	0,5	1,7	0,0	0,0	0,0	0,0	3,0	10,0	д
27	41-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	55	5,5	2,0	3,6	1,5	2,7	1,0	1,8	0,5	0,9	0,0	0,0	0,5	0,9	0,0	0,0	5,5	10,0	п
28	48-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	45	4,5	1,5	3,3	1,0	2,2	0,5	1,1	0,5	1,1	0,5	1,1	0,0	0,0	0,5	1,1	4,5	10,0	п
29	29-sanator yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	30	3,0	1,0	3,3	0,5	1,7	0,5	1,7	0,5	1,7	0,5	1,7	0,0	0,0	0,0	0,0	3,0	10,0	д
30	54-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	55	5,5	2,0	3,6	1,5	2,7	1,0	1,8	0,5	0,9	0,0	0,0	0,5	0,9	0,0	0,0	5,5	10,0	х
31	34-umumiy yo'nalishdagi maktabgacha ta'lim muassasasi	55	5,5	2,0	3,6	1,5	2,7	1,0	1,8	0,5	0,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,9	5,5	10,0	и
32	"UZ CHASYS" mas'uliyati cheklangan jamiyat qo'shma korxona	590	59,0	18,0	3,1	17,5	3,0	16,0	2,7	4,0	0,7	2,5	0,4	0,0	0,0	1,0	0,2	59,0	10,0	х
33	"MRT TEXTILE" mas'uliyati cheklangan jamiyat qo'shma korxona	210	21,0	7,0	3,3	6,0	2,9	3,5	1,7	2,0	1,0	2,0	1,0	0,5	0,2	0,0	0,0	21,0	10,0	п
34	1-shahar tug'ruqxonasi	260	26,0	8,0	3,1	7,0	2,7	5,5	2,1	2,5	1,0	2,0	0,8	1,0	0,4	0,0	0,0	26,0	10,0	п
35	SUV SPORTIGA IXTISOSLASHTIRILGAN BOLALAR O'SMIRLAR SPORT MAKTABI	65	6,5	2,0	3,1	1,5	2,3	1,0	1,5	0,5	0,8	0,5	0,8	0,5	0,8	0,5	0,8	6,5	10,0	и
36	1-SONLI BOLALAR-O'SMIRLAR SPORT MAKTABI	90	9,0	3,0	3,3	2,5	2,8	2,0	2,2	0,5	0,6	0,0	0,0	1,0	1,1	0,0	0,0	9,0	10,0	д
37	"IDEAL TEKSTIL ORZU" mas'uliyati cheklangan jamiyati	340	34,0	11,0	3,2	10,0	2,9	7,5	2,2	3,5	1,0	1,0	0,3	1,0	0,3	0,0	0,0	34,0	10,0	и
38	52-umumiy o'rta ta'lim maktabi	85	8,5	3,0	3,5	2,5	2,9	1,5	1,8	0,5	0,6	0,5	0,6	0,0	0,0	0,5	0,6	8,5	10,0	
39	NORIN SIRDARYA IRRIGASIYA TIZIMLARI XAVZA BOSHQARMASI HUZURIDAGI NASOS STANSIYALARI VA ENERGETIKA BOSHQARMASI	210	21,0	7,0	3,3	5,0	2,4	4,0	1,9	2,0	1,0	1,5	0,7	1,0	0,5	0,5	0,2	21,0	10,0	
40	"IFTIHOR KIYIM SANOAT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	200	20,0	6,0	3,0	5,0	2,5	4,0	2,0	2,0	1,0	1,5	0,8	1,0	0,5	0,5	0,3	20,0	10,0	
41	84-UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABI	65	6,5	2,0	3,1	1,5	2,3	1,0	1,5	0,5	0,8	0,5	0,8	0,5	0,8	0,5	0,8	6,5	10,0	
42	58-УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ	130	13,0	4,0	3,1	3,5	2,7	2,0	1,5	1,0	0,8	1,5	1,2	1,0	0,8	0,0	0,0	13,0	10,0	
ЖАМИ		**4735**	**473,5**	**153,0**	**3,2**	**126,5**	2,7	**93,0**	2,0	**42,0**	0,9	**30,5**	0,6	**19,0**	0,4	**9,5**	0,2	473,5	10,0	